



АСОСЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Ғалаба тумани ИИБ навбатчи қисмига «Огонёк» давлат ҳўжалиги марказий кассалонасидан участка инспектори милиция катта лейтенанти М. Сайдазимовнинг томоғи кесилган ҳолда келтирилган ҳақида хабар берилди.

Оператив тергов гуруҳи айтилган жойга етиб келишганда, йўлнинг ўнг томонида эркак кишининг жасади ётарди. Кейинчалик аниқланишича, у 1939 йилда туғилган, «Сирғали» жамоа ҳўжалигида яшовчи И. Омоновнинг мурдаси экан. Унинг ўнг қўлида пичоқ бўлиб, қорни ва оёғида ўқ излари шундоқ биллиниб турарди.

Терговда маълум бўлишича, М. Сайдазимов «Сирғали» жамоа ҳўжалиги ҳайдовчиси С. Рўзиев ёрдамида қаттиқ маст И. Омоновни ўз автомашинасида уйига олиб кетаётган бўлган. Йўлда орқа ўриндиқда ўтирган Омонов тўсатдан қўйнидан пичоқ чиқариб, М. Сайдазимовнинг томоғидан тортиб юборди, сўнгра қорнига пичоқ урди.

Участка вакили ҳўшини йўқотар экан, қўролидан бир неча оғоҳлантирувчи ўқ отди. Асфальтга теккан иккинчи ўқ сакраб кетди-ю, Омоновни йиқитди.

Милиция катта лейтенанти М. Сайдазимовнинг ҳатти-ҳаракатлари прокурор томонидан асосли, деб топилди.

М. Сайдазимовнинг саломатлиги яхши.


А. МУҲАМАТҚУЛОВ,
милиция майори.

ЎЧОҚДАГИ ФАЛОКАТ

Яқинда Риштон шаҳрининг Фарғона кўчасидаги 156-уйда ёнғин чиқди. Натижада олти ёшли Қахрамон аўдлик билан шифохонага жўнатилди.

Қахрамон катталарнинг бепарволигидан фойдаланиб, ўчоқдаги оловга шу ерда турган соларкали идишни ағдариб юборди. Ловуллаб кўтарилган ўтнинг даҳшатли тили болакайни ҳам ўз қомига тортиди. Шифокорларнинг ҳаракати билангина Қахрамоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция катта лейтенанти.



Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати кўпчилик оғзидан тушмай қолди. Барча озиқ-овқат ва саноат товарларига «шартномавий нарх» деган тамғани ҳам боса бошладилар. Натижада савдо тармоқларида кўплаб қўли эгри сотувчилар гуллаб-яшнамоқдалар.

Чирчиқдаги 45-саноат моллари дўконига бўлган шаҳар ИИБ БХСС бўлини маси ходимлари жамоатчилик вакиллари — нафақачи Анна Колесникова ва ёш она Светлана Кульмамбетова иштирокида савдо қондалари қўпол равишда бузилаётганлигининг устидан чиқдилар. 1140 сўмлик ўн турдаги атторлик моллари пештахта остида ва омборда яшириб қўйилган эди. Уларнинг айримлари сотувчи Маъсуда Гапченковнинг ҳўжалик сумкасидан чиқди.

Дўкондаги бу қинғир ишларнинг авж олишида унинг «хўжайини» Лидия Альферованинг ҳиссаси йўқ, деб айтишга тил ҳам бормайди.

СУРАТЛАРДА: 1, 2. Беркитиб қўйилган моллар. 3. БХСС бўлини маси оператив вакиллари (чапдан) милиция лейтенанти Шухридин Аснлов ва милиция катта лейтенанти Собиржон Жўраев сотувчи Маъсуда Гапченковнинг беркитиб қўйган товарларини кўздан кечиришяпти.

Ҳабиб ШУКУР
олган суратлар.

АКС-САДО

ИНСПЕКТОРГА ВАКОЛАТ КЕРАК

Рўзноманинг 23 апрель сонига эълон қилинган «Жарима солишга қимнинг ҳақи бор» номли мақолада жуда долзарб муаммо кўтарилган. Мен муаллиф фикрига қўшилиман. Биргина мисол: жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилувчи ва бошқа бир қанча майда қонунбузарликлар содир этган шахслар участка инспектори томонидан аниқланиб, тегишли ҳужжатлар тўпланади. Бироқ инспектор унга нисбатан бирор чора қўллай олмайди. Агар участка инспекторларига қўшимча ваколат берилса, иш унуми бўлади, унинг обрўси ошади. Баъзи бир қонунбузарликларни ҳаспўшлаб ўтишга ҳам чек қўйилади.

Шу ўринда битта таклифим ҳам бор. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаётий зарурат эканлиги ҳаммага маълум. Бунинг афзалликларини бир қанча хорижий мамлакатлар мисолида кўрашмиз. Бизнинг жумҳуриятимизда ҳам бу ишга киришилди. Ҳозирда ҳўжалик, қорхона ва ташкилотлар жамоасига иқтисодий эркинлик берилмоқда. Ўзини улар тузилган шартномалар асосида мустақил иш юритмоқдалар. Шундай бир даврда БХСС хизматига эҳтиёж борми? Менимча, йўқ. Шунинг учун ҳам ушбу йўналиш бўйича шуғулланувчи бошқарма, бўлим ва бўлинмаларни тугатиб, уларга ажратилган маблағ ва техника воситаларини участка инспекторларининг эҳтиёжлари учун сарфлаш лозим. Шунда БХСС ходимлари бажарадиган ишларни ҳам уларнинг ўзи бемалол уддалай олишадди.

А. ИБРОҲИМОВ,
Боёвут тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани.

БИЗГА ЖАВОБ
БЕРАДИЛАР

«ЖИЗЗАКИЛИК ЯРАШМАЙДИ»

Рўзномаимизнинг шу йил 28 март сонига М. Ҳақимовнинг «Жиззакилик ярашмайди» мақоласи босилган эди. Унда ДАН ходимининг йўл қондасини бузгани ҳамда қўпол муомаласи ҳақида гап кетганди.

ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция полковниги М. Ваулиндан ушбу мақолада кўрсатилган ходимнинг ҳатти-ҳаракатлари муҳокама қилингани ҳақида мактуб олдим.

Унда кўрсатилишича, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ИПХ (йўл-патруль хизмати) ходими милиция сержанти Р. Қосимов билан суҳбат ўтказилган ва оғоҳлантирилган.

САМАРҚАНД. (Махсус мухбиримиз телефон орқали хабар беради). Кеча Самарқанд вилояти ИИБда хизмат вазифаларини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган милиция ходимлари оиласига моддий ва маънавий ёрдам бериш учун йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ССЖИ ИИБнинг шахсий таркиб билан ишлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ички хизмат генерал майори С. Швидкин, совет хайрия жамғармаси президенти, ССЖИ халқ

САХОВАТЛИ ТАДБИР

ноиб И. Сорокин, Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирини ўринбосари полковник Қ. Боймуродов, Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Т. Тўхтаевлар иштирок этишди.

Йиғилиш давомида марҳумлар оиласига моддий ёрдам ва эсдалик совғалари тошпирилди. Масалан, хизмат вазифасини ўтаётган

пайтда автоҳалокатга учраб, ҳаётдан бевақт кўз юмган Каттақўрғон тумани ИИБ участка вакили милиция катта лейтенанти Сайфулло Ёрқулов оиласига қўрилиш материаллари олиб берилди. Вилоят ИИБ ЖҚБ 6-бўлини маси бошлиғи милиция подполковниги Акбар Ражабов «Қорадори» операциясини ўтказётганда фожиали ҳалок бўлган

ди. Унинг оиласига 3 минг сўм тошпирилди. Нурота тумани ИИБ милиционер Оди Олипов тунги постдан қайтаётганда боқинчиларга дуч келади. Жабрланувчини жиноятчилар қўлидан қутқаради-ю, ўзи эса... Унинг оиласига ҳам моддий ёрдам берилди.

Учрашув сўнггида йиғилганлар шаҳар қўғирчоқ театрига бориб, санъаткорларнинг чиқишларини кўришди, тарихий обидаларни зиёрат қилишди. Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

ШАҲАРНИНГ ДАРВОЗАСИ БОР

ЕКИ УРГАНЧ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАҲЛИКАЛИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Телефонограмма: «Темир йўлнинг Урганч бекатидаги ИИБ бошлиғига!»

«Кўнғирот-Тошкент» поезди йўловчилари Гуллола Авезова, Янгилжон Дўсчоновалар ариза-сида айтилишича, поездда номалум шахс уларга пичоқ ўқталиб қўриқтирган. Бирининг 200 сўм, иккинчисининг 75 сўм пулини тортиб олган ва ғойиб бўлган. Бу воқеа Сизнинг ҳудудингизда бўлгани учун жиноятчини қўлга олиш чораларини кўришингизни илтимос қиламан.

Жиноятчининг белгилари:.... Чоржўй бекати ИИБ бошлиғи. 27 апрель 1991 йил.

Жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари ана шу хабар бўйича ишга киришдилар. Қидирув 4-5 кун давом этди. Чунки жабрланувчилар ариза бергач, яна шу поездда Тошкентга кетиб қолган эдилар.

Нихоят, 2 май куни ЖҚБ оператив вакили милиция лейтенанти Одибек Отажонов ИИБга бир йигитни олиб келди. Қилни қирқ ёрувчи терговчи олдида 1962 йилда туғилган, муқаддам судланган О. Матёқубов ип эшол-маслиғига ақли етди. Жабрланувчилар билан юзлаштирилгандан кейин эса мағлубиятни тан олишдан ўзга чораси қолмади.

Бу ерда шунга ўхшаш воқеалар учраб туради.

Мисол учун 10 май куни «Душанбе-Москва» поезди Урганч бекатида тўхтаб турганида, Р. Отажонов йўловчилардан бирининг 24 сўм пулини олаётганда ушланди. Ҳозир унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

4 май куни эса кассавурликни касб қилиб олган икки йигитнинг жиноий фаолиятига нўқта қўйилди. «Кўнғирот-Тошкент» поездининг 10-вагонига Р. Бобожонов бир йўловчининг 200 сўм пулини, К. Жабборов бошқа бировнинг шахсий буюмларини ўғирлаётган пайтларида қўлга олинди. Худди шу кун йўловчи поездда кетаётган Л. Коваленко 10 грамм наркотик модда билан ҳибсага олинди.

Бу каби жиноятларни фожиа этишда милиция старшинаси Музаффар Маҳмудов, милиция катта сержанти Отаназар Самандаров, милиция кичик лейтенанти Аркабой Раҳимов, милиция катта лейтенанти Отаназар Қоқоқов, милиция капитани Озод Абдукаримовнинг хизматлари катта бўлмоқда.

— Ўтган йили қизиқ воқеа содир бўлди,— дейди ИИБ бошлиғи ўринбосари



милиция майори Бахтиёр Собиров. — Ҳазораси тузани ҳудуддаги 343-«Исмоил эшон» разъездда юк поезди машинисти вагонларнинг ичида кимлардир юрганини хабар қилди. Тахминича, улар шу ерда тушиб қолганмиш. Оператив гуруҳ зудлик билан воқеа жойида ҳозир бўлиши керак эди. Лекин биз «асти» 2 соатдан кейин етиб бордик. Чунки мавжуд машиналаримизнинг камлиги (фақат 2 та) туфайли йўловчи транспорт воситасидан фойдаланишимизга тўғри келди. У ерда фақат бўшаган яшиқларни кўрдик, холос. Бу ҳол бир неча марта такрорланди.

Нихоят, бу борадаги кузатувларимиздан хулоса чиқардик: бу ишнинг ҳавосини олган олғирлар Урганчда юк вагонларига сездирмай чиқиб олишади. Кейин «Исмоил эшон» разъездига қараб кетаверишади. Поезд тепаликка қараб секин юришидан фойдаланиб, йўл-йўлакай олдидан белгиланган жойларга вагондаги буюмларни битта-биттадан ташлайвераркан. Разъездда эса бемалол тушиб қолиш мумкин.

ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Полвонназир Саъдуллаев раҳбарлигида

оператив гуруҳ тузилди. Бу гуруҳга мен, ЖҚБ ходими милиция капитани Қақабой Нуриев ва яна уч нафар милиция ходими киритилди. Разъезддаги тепаликни 6-7 кун давомида пистирмада ётиб пойладик. Уринишимиз бефойда экан, деб кетмоқчи ҳам бўлдик. Лекин еттичи куни жиноятчиларни ва улар ўмариш учун вагондан туширган «ГАЗ-24» автомашинасининг 70 дона баллонини, 63 дона эҳтиёт қисмларни ва 46 қоп шакарни ИИБга олиб келдик. Халқ суди уч нафар ўғрини жиноят даражасига қараб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилди.

— Жиноятчиларга бу ернинг қулай томони бор,— дея ИИБ бошлиғининг яна бир ўринбосари милиция майори Шавкат Жуманиёзов суҳбатга қўшилди. — Нияти қора шахсга самолётда эмас, анан поездда юриш афзал туюлади. Чунки кассада ҳеч қанақа ҳужжат кўрсатмай чипта олиш мумкин. Қаёққа бормоқчи бўлса, йўл очик. Шу боис биз ўз фаолиятимизни янада яхшилашимиз, диққат-этибор ва оперативликни кучайтиришимиз зарур.

Саъдулла БОБОЕВ.



СУРАТЛАРДА: 1. ИИБ оператив навбатчиси милиция капитани Шокир Оллоёров ёрдамчиси милиция сержанти Отабой Қаландаров билан шошилиш хабарни қабул қиляпти.

2. Операция олдидан (ўнгдан чапга) бошлиқ ўринбосари Бахтиёр Собиров, ЖҚБ ходими Одибек Отажонов, БХСС вакили Отаназар Қо-

зоқовлар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

3. — Ануви одамга эътибор қилинг,— дейди О. Отажонов милиция старшинаси Аёз Бирқуловга.

4. Милиция кичик сержанти Собир Сандов гумон қилинган фуқаро билан суҳбатда.

Суратларни муаллиф олган.



Аёл! Бу сўзни эшитганда, киши кўз ўнгига бешик қучоқлаган мунис она гавдаланади. Қўлогимиз остида эса унинг орзу-умид билан йўрилган алласи янграгандай бўлади. Бу кўхна дунё яралибдики, аёл эзгуликнинг, улугворликнинг, саҳийликнинг, покизаликнинг тимсоли сифатида эъзозланади. Ана шундай мушфиқ, мўътабар инсонни қотил ўрнида тасаввур этса бўладими?!

Андижон шаҳридаги Кірупская номи кўчада Владимир Михайлович Сазонов деган киши яшарди. — Ўта саҳий, одамшинаванда киши бўлиб, биттагани айби бор эди. У ҳам бўлса, ичкиликка ўқроқ эди. Шу боис ҳеч бўлмаганда, ҳафтада бир марта унинг хонадони сархушлик макони бўларди.

— Мен Ленин номи маданият ва истироҳат боғида бир неча йилдан бери директор бўлиб ишлайман,— деб гувоҳлик беради унинг қўшниси Баҳодир Абдуллаев. — Владимир Михайлович ёмон

одам эмас, гоҳ-гоҳ у билан суҳбатлашиб турардим. Ўтган йил 10 декабрь кунни уникида яна ўйин-кулги бўлди. Одатдаги ҳол, деб ўйладим. Эртаси кунни чамаси соат 7 ларда уйи ёнаётганини кўрдим. Ўт ўчирувчиларга

қўнғироқ қилдимда, бола-чакам билан оловни даф қилишга шошилдик.

Бир оз чекиниш қиламиз. Хўш, 11 декабрь кунни унинг уйида ёнғин чиққан бўлса, сабаби нима? Бир кун олдинги базми жамшидда кимлар бор эди-ю, у қачон ва қандай яқунланган? Ана шу саволларни ойдинлаштириб олиш керак.

— Келишувимизга мувофиқ 10 декабрь кунни Сон Сонович билан унинг уйига меҳмондорчиликка бордик,— дейди навбатдаги гувоҳ

Юрий Орлов. — Улфатимиздан бири Александра Хричкина ҳам ўша ерда экан.

Шундай қилиб дилтортар тўрт улфат стол атрофида жамулжам бўлишди. Юқорида айтганимиздек, мезбон ўта саҳий. Борини дастур-

хонга тўкиб ташлади. Ичкиликбозлик роса авжига чиқди. Бир вақт қарашса, «обизамзам» шншасининг таги кўрниб қолибди. Юрак яқин бўлса, одам бир-бирининг фикрини қарашидан ҳам билиб олишга қодир. Нима қилиш керак? Бундай ажойиб зийфатни давом эттиришнинг фақат битта йўли бор: яна топиб келиш.

Ана шу мақсадда Сон Сонович билан Юрий Орловлар чиқиб кетишди. Уйда эса Владимир Михайлович билан Александра Хричкина қолди.

Майнинг таъсиридан аввал икки марта судланган аёл унинг кўзига олов бўлиб кўрингач, васлига етмоқ учун ўзига тортди. Лекин у столнинг устидаги пичоқни ушлаб олганини кўрмаганди. «Олов» унинг ўнг елкасини

Аёл бўлса пинагини бузмай жавоб қайтарди: — Албатта, кўриб турганингдек, Сазоновни ўлдирдим.

— Ундай бўлса, ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, бизни орага қўшма!

Улар шундай дея шошилиб чиқиб кетишди. Бу пайт соат миллари 22 ни кўрсатар, ташқари буткул қоронгулик қаърига чўкканди.

Хричкина қонли пичоқни олдида, шу кўчадаги сартарошхона орақасига яшириб қўйди. Эрталаб соат 6 яримда эса жиноят изини йўқотиш учун уйга ўт қўйди. 28 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой ва 5771 сўмлик мол-мулк куйиб кул бўлди.

Яқинда Андижон шаҳар халқ суди Александра Хричкина содир этган жиноятни атрофлича кўриб, уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Аёл бўлса пинагини бузмай жавоб қайтарди:

— Ундай бўлса, ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, бизни орага қўшма!

Улар шундай дея шошилиб чиқиб кетишди. Бу пайт соат миллари 22 ни кўрсатар, ташқари буткул қоронгулик қаърига чўкканди.

Хричкина қонли пичоқни олдида, шу кўчадаги сартарошхона орақасига яшириб қўйди. Эрталаб соат 6 яримда эса жиноят изини йўқотиш учун уйга ўт қўйди. 28 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой ва 5771 сўмлик мол-мулк куйиб кул бўлди.

Яқинда Андижон шаҳар халқ суди Александра Хричкина содир этган жиноятни атрофлича кўриб, уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Уктамжон ХОЛИҚОВ, Андижон шаҳар халқ суди маслаҳатчиси.

АЁЛ ҚЎЛИ ҚОН БЎЛСА

қўнғироқ қилдимда, бола-чакам билан оловни даф қилишга шошилдик.

Бир оз чекиниш қиламиз. Хўш, 11 декабрь кунни унинг уйида ёнғин чиққан бўлса, сабаби нима? Бир кун олдинги базми жамшидда кимлар бор эди-ю, у қачон ва қандай яқунланган? Ана шу саволларни ойдинлаштириб олиш керак.

— Келишувимизга мувофиқ 10 декабрь кунни Сон Сонович билан унинг уйига меҳмондорчиликка бордик,— дейди навбатдаги гувоҳ

хонга тўкиб ташлади. Ичкиликбозлик роса авжига чиқди. Бир вақт қарашса, «обизамзам» шншасининг таги кўрниб қолибди. Юрак яқин бўлса, одам бир-бирининг фикрини қарашидан ҳам билиб олишга қодир. Нима қилиш керак? Бундай ажойиб зийфатни давом эттиришнинг фақат битта йўли бор: яна топиб келиш.

Ана шу мақсадда Сон Сонович билан Юрий Орловлар чиқиб кетишди. Уйда эса Владимир Михайлович билан Александра Хричкина қолди.

Майнинг таъсиридан аввал икки марта судланган аёл унинг кўзига олов бўлиб кўрингач, васлига етмоқ учун ўзига тортди. Лекин у столнинг устидаги пичоқни ушлаб олганини кўрмаганди. «Олов» унинг ўнг елкасини

Аёл бўлса пинагини бузмай жавоб қайтарди: — Албатта, кўриб турганингдек, Сазоновни ўлдирдим.

— Ундай бўлса, ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, бизни орага қўшма!

Улар шундай дея шошилиб чиқиб кетишди. Бу пайт соат миллари 22 ни кўрсатар, ташқари буткул қоронгулик қаърига чўкканди.

Хричкина қонли пичоқни олдида, шу кўчадаги сартарошхона орақасига яшириб қўйди. Эрталаб соат 6 яримда эса жиноят изини йўқотиш учун уйга ўт қўйди. 28 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой ва 5771 сўмлик мол-мулк куйиб кул бўлди.

Яқинда Андижон шаҳар халқ суди Александра Хричкина содир этган жиноятни атрофлича кўриб, уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Уктамжон ХОЛИҚОВ, Андижон шаҳар халқ суди маслаҳатчиси.

БУ МАСАЛА ОЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН

— Акмал ака, мен Сизни яхши биламан, милиция ходими сифатида тишингиз ДАНда чиққан. Шунинг учун бу қонун нечоғлиқ бугун зарур эканлигини Сиздан сўраб ўтиришимга ҳожат бўлмаса керак. Яхши-си уни муҳокамасига кири-шишдан олдин жумҳурият йўлларидаги вазият билан таништирсангиз.

— Ўтаётган йилнинг тўрт ойлик якунлари шунинг кўрсатдики, ўтган йилнинг худди шу муддатига қараганда йўл-улов ҳодисала-ри, уларда ҳалок бўлган-лар ва яраланганлар сони бирмунча камайди. Лекин ҳали юз бераётган автофа-локотлар миқдори ваҳима-ли — 6277 та, уларда 939 киши нобуд бўлган ва 6693 киши турли даражада тан жароҳати олган. Ҳар бир рақам ортида бир дунё алам, чексиз айрилиқ ётиб-ди, ҳар бир рақам отасиз қолган норасидалар, еру кўкка ишонмайдиган дил-бандидан жудо бўлган она-ларнинг ўлчовга сўғмас фи-ғоллари, дардларини акс эттиради. Шунинг учун кўнгилсизлиكنинг бироз ка-майгани бизнинг дилимизга таскин беролмайди. Ҳали кўп иш қилишимиз керак.

— Бу борада бошқа жум-хуриятларда аҳвол қандай?

— Очиғини айтсак, итти-фоқ бўйича йўлларда қир-гин-барот кетяпти. Вазият бирмунча яхшилиги жиҳа-тидан биз мамлакатда ол-динги ўринлардан бирида турибмиз.

— Бунга қандай эришил-япти?

— Халқимизда яхши нақл бор. Тўйдан кейин ногора чалма. Фалокат юз берган-дан сўнг қол-қоп қоғозни қоралама, зўрлигидан ға-нимларининг озги очила-диган тadbирлар тузмагин, ёстиғи қуригани ҳаётга қайтариб келолмайсан, ма-йиб-мажруҳни оёққа турга-золмайсан. Шундай экан, бош мақсад бахтсизликка йўл қўймасликка қарати-лиши керак. Мана шу са-бабдан қондабузарликлар олдини олишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Нати-жада кейинги пайтда ҳара-кат қатнашчиларининг йўл маданияти ошди. ДАН ин-спекторлари уловни йўлдан кўра бевосита автоҳўжалик-ларда текшириш ишларига жалб қилинмоқда. Бу би-лан носоз улов дарвозадан чиқишига чек қўйилмоқда. Қондабузар ҳайдовчилар ҳуқуқни меҳнат жамоала-ри ўртасида кўриб чиқиш-га одатландик.

— Шунга қарамасдан бо-я ўзингиз таъкидлаб ўтга-нингиздек, кўнгилсизлик-лар йўқ эмас. Уларнинг асосий сабаблари нимада?

— Йўл-улов ҳодисаси рўй беришига олиб келадиган сабаблар минг хил. Бизни бағоят ташвишга солаёт-ганлари эса бир нечта. Ма-салан, биргина белгиланган ҳаракат тезлигига амал қилмаслик оқибатида ати-ги тўрт ой ичидagina 597 та йўл-улов ҳодисаси (ИУХ) рўйхатга олинди. Машина рули қўлига тушиб қолган масъулиятсиз ҳайдовчилар томонидан тезлик тепки-сини охиригача босиб 128 кишининг умрига зомин бўлди, 635 киши жароҳат-ланди. Шунингдек, маст ҳолатда уловни бошқариш, пнедалар қондабузарлиги туфайли ҳам кўплаб кўн-гилсиз воқеалар учраб ту-рибди.

Кишининг фиғонини фа-лакка кўтарадиган томони

бор. Амалдаги йўл ҳара-кати қондаларига биноан иш тўтилса, бирорта бахт-сиз ҳодиса ҳайдовчи ёки пнеда этагига ёпишмайди. Ҳамма бало шундаки, ҳар ким ўзини омадли ҳисоб-лайди.

— Акмал ака, мана Олий Кенгаш сессияси кун тар-тибига «Йўл ҳаракати қон-даларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойи-ҳаси киритилди. Айтингчи, бу фақат ИУХ кўплиги би-лан изоҳланадими?

— Биласизми, ҳамма му-аммоларимиз бир-бири би-

қондабузарлар ҳисобини йў-қотиб қўйишди. Ким бой-вачча бўлса, қондани бу-заверсин. Жарима атғи 10 сўм. Қаршингизда кун давомида йигирма жойда қондани оёқости этган ки-шими ёки билиб-билмай уни бузган ҳайдовчи турибди-ми, қаердан биласиз. Икка-ласи ҳам бирдек чорани ба-ҳам кўришаверади. Ана Сизга адолат, ана Сизга тар-бия воситаси. Шунинг учун талон борлик пайтида йили-га ўртача 1,5-2 миллион қондабузарга чора кўрил-ган бўлса, энди бу кўрсат-кич 3 миллионга сакради.

лайди ва ҳайдовчилик гу-воҳномаси 6 ойдан 1 йилга-ча ДАНда сақланади. Бу тартиб светофор ва регули-ровкачи сигналларига бўй-сунилмаган, пнедалар йў-лагига ҳаракатланган, йўл белгилари ва чизиклари талаби четланган каби ҳо-латларга ҳам жорий этила-ди.

Рулда эканлигини уну-тиб, қиттак-қиттак отиб олганда сўнг кайф гашти-ни машинада суриш ишқи-бозларини ўйлантириб қў-диган чоралар кўрилиши лойиҳага киритилган. Жум-ладан, рулдаги шиша шай-

дан кечириниш улар учун ор-тиқча даҳмазага ўхшайди. Шунданми ҳайдовчи та-ваккал билан чиқариб юбо-рилаверади. Бир илмиж би-лан, албатта. Бу сафар ҳам техника панд бермас, деб...

— Кўза кунда эмас, кун-да синади. Шундай панд бериши мумкинки, кейин оқибатини тузатиб кўриш-син. Уловни соз ҳолатда йўлга чиқишини таъмин-лайдиган шахслар жавоб-гарлиги ҳам назардан қо-чирилмаган. ДАН ходимла-ри автоҳўжалик ҳудуди-дан ҳаракат хавфсизлигига таҳлика туғдирадиган қу-сур билан чиққан уловни аниқлашса, масъул киши-лар 100 сўмдан 300 сўм-гача жарима тўлашади. Ўз ҳисобларидан, албатта.

— Халқ ноиблари ушбу қонун лойиҳасини ўзгарти-ришсиз ёки қисман тўлди-ришлар билан қабул қи-лишса, қондабузарлик ка-майишига ишонасизми? Уму-ман бундай қонун мамла-катнинг бошқа жойларида борми?

— Яқинда радио орқали бевосита мулоқотда ишти-рок этдим. ДАН фаолиятига оид аччиқ-чучук саволлар ёғилиб кетди. Қўнғироқ қилганлар орасида тошкент-лик Маннопов деган киши бор эди. Унинг айтишича, Чукотка мухтор мавзесида ичган ҳайдовчиларга 2 минг сўм жарима солиш белги-ланибди. Мухтор мавзе-ларда шундай қарорлар ҳа-ётга татбиқ этилаётганда, бошқаларнинг оғзинга қа-раб кун кечириниш пайти ў-тди. Мустақиллик ҳақидаги Олийахднома асосида жум-хуриятимиз шароити, мил-лий хусусиятига мос қо-нунлар қабул қилинавери-ши керак.

Энди саволингизнинг би-ринчи қисмига қайтсак. Қонуннинг қай даражада мукамаллигига баҳо бе-ришим одоб доирасига сиғ-маса керак, чунки унинг лойиҳасини тайёрлашда ДАН ходимлари меҳнати анча сингган. Олий Кен-гашда халқ ноиблари уни атрофлича муҳокама этиш-лари аниқ. Қизгин баҳслар давомида мавжуд модда-ларни тўлдиришлари, қис-қартиришлари ёхуд таҳрир этишлари мумкин. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, унинг қабул қилиниши ўзи-нинг ижобий самарасини бермасдан қўймайди. Буни Болтиқбўйи жумҳуриятла-ри тажрибаси яққол кўрсат-иб турибди.

Йўлдаги осойишталик пос-бонлари ҳисобланмиш ДАН ходимлари ва ушбу қонунга ҳаёт баҳшида этадиган халқ депутатларининг мақсади битта, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, улов билан боғ-лиқ бахтсиз ҳодисалар ту-файли шундай ҳам ситам-кор халқимизнинг кўз ёш-лари беҳуда тўқилмасин. Юртимизда айтишади: кўп йиғласа, кўз қораяди. Қў-йинг, йиғидан қораядиган бўлса, қораймай қўя қо-син кўзлар.

— Қонун ДАНБ ходим-ларининг ўзига нима бера-ди? Уларнинг ҳуқуқи оша-дими?

— Қонун уларга на имти-ёз, на қўшимча ҳуқуқ бера-ди. Балки инсон тақдири-даги кескин бурилиш йўл-ларга тўғри келиб қолмас-лиги учун ниҳоятда катта масъулият юклайди.

— Суҳбат учун раҳмат.

Суҳбатдош
Ғайратжон БОЛТАБОВЕВ.

ДОЛЗАРБ СУҲБАТ

КЎЗЛАР ЁШДАН ҚОРАЙМАСИН

Жумҳурият харитасига нигоҳ қадалса, уни илоники бўлиб кетган беҳисоб чи-зиқлар чулғаб олгани диққатни жалб этади. Бу чизиклар — қишлоқ билан ша-ҳарни, туман билан вилоят марказини, пойтахт билан қўшни жумҳуриятларни боғ-лаб турган йўлларда кундалик ташвиши-даги одамлар, уларнинг хизматидаги турли-туман улов (транспорт) тиним бил-май ҳаракатланади. Ачинарлиси шундаки, ҳар дом ҳам сафар беҳатар ўтмаяпти, уловлар белгиланган манзилга етиб бор-маяпти...

Сабаби оддий ва мураккаб. Жўнлиги шундаки, йўл ҳаракати қондаларини пи-санд қилмаслик — фалокат дояси. Му-

раккаблиги шундаки, рулни минг хил ҳислатли, кайфиятли кишилар бошқара-ди, уловнинг техник ҳолати, йўл шарои-ти каби кўплаб омиллар бунга ўз таъси-рини ўтказишади. Йўлимиз оқлигини таъ-минлаш учун қандай чора-тадбирлар кў-риш керак!

Ун иккинчи чақириқ ЎзССЖ Олий Кен-гашининг бешинчи сессияси кун тарти-бида кўриладиган масалалар қатори-га «Йўл ҳаракати қондаларини бузган-лик учун жавобгарликни кучайтириш тўғ-рисида»ги қонун лойиҳаси киритилди. Бу ҳақда биз жумҳурият ички ишлар вазир-лиги давлат автомобиль назорияти бош-қармаси бошлиғи ўринбосари милиция майори Акмал Акбарович ОҚИЛОВ би-лан суҳбатлашдик.

лан узвий боғлиқ. Улар-ни ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Келинг, бир бошдан бош-ласак. Тўғри ИУХ дара-жаси юқорилиги ҳам ўзи-нинг родини ўйнаган. Яна бир муҳим муаммо ҳам бор-ки, қонун лойиҳасининг дунёга келиши кўп жиҳат-дан у билан изоҳланади. Уч-тўрт йил бурун марказ-ий рўзномалар ҳайдовчи-лик гувоҳномасига илова қилинадиган талонга ўрин-сиз ҳужум уюштиришди. Биргаликдаги зарба шу қа-дар кучли бўлдики, у бе-кор қилинди. Талонга ёпиш-ганлар тараққий этган ғарб мамлакатларида унинг йўқ-лигини рўқач қилишди-ю, энг зарур нарсани — улар-да компьютер системасини «унутишди».

— Йўл посбонига нима беради ўша система?

— Жуда кўп нарса. Ай-тайлик. Канада фуқароси мистер Жонсон Квебек ви-лоятида йўл ҳаракати қон-дасини бузди. Полициячи шу заҳоти марказий компь-ютерга сўров юбориб, Жон-соннинг йўл ҳаракати қон-даларига муносабатини са-ноқли лаҳзаларда аниқ-лайди. Агар система Жон-сон интизомли ҳайдовчи эканлигини ва йил давомида бирор марта ҳам қондага хилоф иш тутмаганини айт-са, у енгил жарима билан кутулади. Акс ҳолдачи? Унда Жонсоннинг шўрига шўрва тўкилиб, чўнтаги бўшайди-қолади. Чунки та-коррий қонда бузилишлари билан у ерда пачакилашиб ўтиришмайди. Камбағалчи-лик қурсин, талон бизда компьютер системаси ўр-нини босиб, инспекторга унинг олдида ким тургани-ни айтиб берарди.

— Хўш, талон йўқ бўлиб-ди, шунга ҳам ота гўри-ю, қозихонами?

— Сиз ҳам барибир ву-жудингизда журналист қони оқаётганини билдириб қўй-моқдасиз. Ахир, талон йўқ бўлгач, ДАН ходимлари

— Асослаб гашираётга-нингизга қараганда, лойи-ҳада талонни тиклаш так-лифи борга ўхшайди. Бунга ҳайдовчи халқ қандай қа-рар экан?

— Такрорий қондабузар-ликни аниқлаш учун талон-ни тиклашимиз шарт. Акс ҳолда кўчаларимизни бо-сиб кетган бепсандлик оқимини тўхтатиб бўлмай-ди. Дарвоқе, радио-телеви-дение орқали ўтказилаёт-ган бевосита мулоқотлар-да, юзма-юз учрашувлар-да кўплаб ҳайдовчилар та-лонни тиклаш кераклиги ҳақидаги мулоҳазалари би-лан мурожаат қилишмоқда. Айниқса, бу талаб тирикчи-лиги рулни бошқариш би-лан боғлиқ бўлган касб эгалари томонидан баралла-инграмоқда. Уларни тушу-ниш мумкин. Ўзлари қон-дани деярли бузишмайди, лекин йўлдаги тартибсиз-лик кучайганидан қатновда қийналишмоқда.

Шунинг учун қонун лойиҳасида нафақат талонни яна жорий этиш, балки қондабузарлик учун жавоб-гарликни кучайтириш ҳа-қида аниқ таклифлар бор.

— Қандай қонда бузи-лишлари учун айбдор жазо бошқача ва оғирроқ экан-лигини ҳис қилади?

— Ҳали ҳис қилмайди. Зеро, бу фақат — лойиҳа. Қонун лойиҳасида эса деяр-ли барча қондабузарлик учун жазо чоралари кучай-тирилган. Масалан, бизни ҳоли-жонимизга қўймаётган ўша «бадбахт» тезликини оширишни олайлик. Би-ринчи марта «адашган» ҳай-довчига 50-70 сўм жарима солинади. Агар йил даво-мида иккинчи марта қонда билан «ўйнашса», 100 сўм пул жарима сифатида чўн-тагидан кетганидан ташқари билмининг исботлаш учун йўл ҳаракати қондаларидан имтиҳон тоширади. Шунда ҳам эс-хушини йиғиб олмас-дан учинчи марта қондани бузса, 200 сўм жарима тў-

доларига 1 минг сўмдан 2 минг сўмгача жарима солиш ёки 1 йилдан 3 йилгача ҳайдовчилик ҳуқу-қидан маҳрум қилиш кўзда тутилмоқда. Томоғи тақил-лаганда, уни спиртли ичим-лик билан ҳўллаганларнинг айримларини на ҳайдовчи-лик гувоҳномаси, на уловни уудалаш уқуви йўқлиги тўхтатади. Машина рулига чирмовуқдай ёпишади-қў-ди. Энди бундай «шер-юраллик» учун чўнтак ба-қувват бўлиши керак. Чун-ки 2 минг сўм жарима би-лан «сийланмиш» мумкин. Маст ҳолатдаги шахсга рулни тутқаэган кишилар ҳам илгари осонликча қу-тулиб қолишарди.

— Энди-чи? Зеро, «Пост-да» рўзномасида эълон қи-линган қатор материаллар-да муаллифлар қонунда ошна-оғайнисини жарга ита-раётган одамлар ҳақида ҳеч нарса йўқлигидан таш-вишланиб ёзишганди.

— Энди маст ҳолатдаги киши қўлига рулни бера-ётган кишилар 2 мингдан 3 минг сўмгача жарима тўлай-дилар.

— Ўйлаймизки, лойиҳа қабулланса, ҳайдовчилар шароб лиммо-лим қадах-ларга кетма-кет қўл чўзиш пайтида янгича чоралар кўрилиши мумкинлигини эслаб туришар. Лекин баъ-зи фирмолар мистлигини исботловчи тиббий текши-ришдан бош тортишлари ҳеч гап эмас.

— Қонун лойиҳасида бу ҳолат ҳам кўзда тутилган. Маст ҳолатда уловни бош-қариб бораётган ҳайдовчи ушлангач, тегишли текши-ришдан бўйин товласа, ҳай-довчилик гувоҳномаси ўз-ўзидан 1 йилдан 3 йилгача бекор қилинади ёки минг сўм жарима солинади.

— Акмал ака, биласиз, мен ҳам маълум муддат ДАНда ишлаганман, шунинг учун айрим мулоҳазаларим-ни билдираман. Автоҳўжа-ликларда уловнинг соз-но-созлигига мутасадди шахс-лар бор. Лекин рейсга от-ланаётган машинани кўз-

«Қорадори-91»

Тошкент вилояти ИИБда кейинги йилларда гиёҳвандликнинг пайини қирқиб йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Бу иш натижасининг таълими гиёҳвандликка қарши курашда милиция идоралари яққаланиб қолганини кўрсатди. Масалан, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Оржоникидзе, Калинин, Бекобод, Бўка туманлари ИИБ томонидан ўтган йили бирорта ҳам гиёҳванд моддаларни сотиш бўйича жавобгарликка тортиш факти кўриб чиқилмаган, ушланган шахслар гиёҳванд моддаларни сақлашдагина айбланганлар, холос.

Шу сабабли вилоят ИИБда кенгаш ўтказилиб, унда зарур чоралар белгиланди. Ҳозир бошқармада «Қорадори» операциясига раҳбарлик қилиш оператив штаби тузилди. Унинг таркибига барча хизмат ва бўлинмаларнинг вакиллари киритилган.

Шу кунгача улар ярим гектардан ошқироқ наркотик моддалар ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилдилар. 200 дан ортиқ хонадон томорқаларидаги кўкнориларни аниқладилар.


Янгийўл туманидаги Ленин номи жамоа хўжалиги аъзоси Х. Аширов, Янгийўл шаҳар сув шаҳобчаси муассасаси ишчиси Х. Фозилов, Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номи жамоа хўжалиги пенсионери Х. Сулаймонов, Калинин тумани ўрта овул қишлоғида яшовчи Л. Нигмонова, Бўка тумани XIX партия съезди номи шўро хўжалиги пенсионери К. Абдурахмонов набилярнинг томорқаларидан 5 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлган майдондаги гуллаб турган

кўкнорилар чопиб ташланди. Шахсий томорқаларда гиёҳванд ўсимликларни парваришлаганларнинг кўпчилиги қариялардир. Улар 1-2 квадрат метр жойга эккан кўкнорилари учун қандай жазо қўллашни ҳам билмайсан гоҳо. Кўпинча улар кўкнорисиз туролмаймиз, дейишади. Биз уларни чопиб ташлаймиз ёки ёқиб юборамиз, янаги йили эса яна шу аҳвол. Оққўрғонлик К. Мўминов, оҳангаронлик Х. Баратова, ўртачирчиқлик Р. Пизаева, ғалабалик Л. Селиванова, калининлик Т. Аъзамов, Б. Қовунбоев, Р. Қосимов, пскентлик Е. Аҳмедовлар шундайлар жумласидандир.

Ҳозир бу оғуни етиштириш учун баъзилар одам назари тушмайдиган жойларга экомқдалар. Бу ишда бизга авиация ёрдамга келди. Ўтган йили улар ҳамкорлигида 400 тадан ортиқ шундай экинзорлар аниқланиб, йўқ қилинди. Бунда «Н-26» вертолётни учувчиси В. Герасимов, авиатехник С. Аҳмедовларнинг фидойилигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу йил ҳам ишимиз яхши натижалар бермоқда. 2 марта учиб, Калинин, Чиноз, Янгийўл туманларида 30 дан ортиқ оғу «ўчоқлари»ни аниқладик ва йўқ қилдик.

Вилоятда 1585 гиёҳванд бўлиб, уларнинг 54 нафари балоғатга етмаганлар. Улардан атиги 422 нафари ва 6 ўсмир гиёҳванд сифатида ҳисобда туради. Ҳар йили ўртача 200 шахс тиббий тавсиясиз наркотик моддалар қабул қилувчи сифатида маъмурий жавобгарликка тортилади, салкам 100 жамоа, шўро хўжаликлари, корхона раҳбарлари бу ўсим-



ликларни ўз ҳудудларида йўқ қилмаганликлари учун жазоланадилар. Лекин булар билан аҳвол ўзгармаяпти.

Бошқармадаги гиёҳвандликка қарши курашиш бўлини маси ҳодимлари озчилликни ташкил этади. Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ туманлари ИИБдагина бу иш махсус ҳодимга юклатилган. Лекин уларда ҳам киши организмиде гиёҳвандлик таъсири бор-йўқлигини аниқлайдиган махсус асбоблар йўқ.

Жойлардаги ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши курашиш комиссияларининг ишини етарли даражага кўтариш чораларини кўриш керак. Ёшларнинг бўш вақтларини тўғри, мазмунли уюштиришга диққатни қаратмоқ лозим.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
ички хизмат майори.

СУРАТЛАРДА: Оҳангарон туманида аниқланган оғу майдони; «заҳри қотил» кўпинча ана шундай йўқ қилинади.

ДЕВОР ОШГАН КИМ ЎЗИ?

Кунлардан бир кун Уйчи туманидаги 2-ғишт заводида ишлайдиган Зокир Набиев дўппини олиб қўйиб, хаёлга толди. Мана бозор иқтисодиёти бошлангандан бери яшаш ҳам қийинлашиб кетди. Арзмаган нарсаларнинг баҳоси отнинг пули. Хуллас, бу замонда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтмасанг, каллани ишлатиб, пул топишни билмасанг, шўрингга шўрва тўкилади. Хўш, нима қилиш керак?

Ўйлай-ўйлай миясига яшин тезлигида урган фикрдан қувониб кетди. Апил-тапил кийиниб, Баҳодир Йўлдошевникига йўл олди. Баҳодир деганлари — Қизилравот депарасида отнинг қашқасидай маълум ва машҳур. 141-механизациялашган кўчма колоннада ишлайдиган бу йигит шу йил 14 марта кун фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаётиб қўлга тушган, айни пайтда тилхат бўйича очикда юрган эди.

Кўр кўрни қоронғида топади, деганлари рост экан. Иккови бир зумда тил топишди. Тузилган режани обдон муҳокама қилишди. Ўғирлик «объекти», ўлкаларини вақтинча яшириладиган жой, керак бўлса, милиция ҳодимлари кўзини шамғалат қилиб қочиш усуллари икковига ҳам бирдек маъқул тушди.

— Энди битта машина топиш керак, — деди Зокир ўйчан киефада. — Бирорта-сини кўндирсак, ярим муваффақиятга эришдик, дея-

вер. Лекин ким рози бўларкан?

Иккови танҳо бўлишсада, Баҳодир ҳамтовоғи қўлоғига шилпишди.

— Бу ёғидан ташвиш қилманг. Кўкрагида ёли бор одамни биламан.

«Кўкрагида ёли бор» одам Уйчи дам олиш зонаси ширкатидаги В 08-32 НА рақамли «Москвич-412» белгили машина ҳайдовчиси Обиджон Ашуров бўлиб, унга пул берилса, бўлди экан. Ҳалолми, ҳаромми, суриштириб ўтирмас экан.

Улар 2 май кун соат миллари 24 дан ошгандан кейин келишилган жойда учрашдилар. Йўлга чиқишди. Машина елдек учиб кетди ва кўп ўтмай Уйчи посёлкасидаги К. Маркс кўчасидаги 140-уй қаршида тўхтади.

— Сиз ҳув ануви ерда кутиб туринг, — дейишди шофёрга 300 метрча наридаги гўшт дўконини кўрсатиб.

Узлари эса хонадонда ҳеч ким йўқлигини билганлари учун девор оша ичкарига тушишди. Уй эшигини очиб ҳам қийин бўлмади. Чироқни ёқиб олиб, бемалол тинтий бошлашди. Ўзларига маъқул келган буюмларни ва материалларни тўплаб, учта тугун қилдилар. Улар оғир бўлиб кетган экан, дарвозадан ошириб бўлмади. Нарвон топиб келишди. Баҳодир энди тугунларни нарвондан кўтарилиб, дарвоза тепасидан ташлай бошлади. Зокир машинани олиб келди, ўғирланган моллар жойлан-

ди. Кейин яна унинг кўрсатмасига мувофиқ ўшга қараб шошилишди. Орадан бир мунча вақт ўтгач, Ленин туманининг «Интимоқ» давлат хўжалиги ҳудудидаги Ленин номи кўчага бурилишди ва 57-уй рўпарасида тўхташди. Бу ерда Зокирнинг тасодифий таниши истиқомат қиларкан.

— Абдулла ака, пайтавага қурт тушган маҳалда Сиздан паноҳ излаб келдим, — деди Зокир ўзини ҳокисор кўрсатиб.

— Тинчликми, Зокиржон?

— Фалокат оёқ остида экан, ака. Кимнингдир чақуви билан мен ишлайтган дўконни ревизия босди. Шу буюмлар 2-3 кун сизникида турса. Улар уйни ҳам кўришлари мумкинга ўхшайди.

— Э, бемалол. Яхшилик кўчада қолиб кетмайди, ука. Қани мана шу ёққа олиб кинринглар тугунларни.

Ҳамма иш хамирдан қил суғургандай осон кўчди. Ўз ишбилармонликларида бехад мамнун бўлган ҳамтовоқлар орқага қайтишди.

3 май кун хонадон бекаси Маҳмуда Хўжамова қайтиб келса, уй ағдар-тўнтар қилиб ташланган. У шошилиб ИИБга хабар қилди.

Оператив гуруҳ воқеа жойига келиб, жиноятчилардан қолган ҳар бир белгини эринмай ўрганди.

— Кеча тунда В 08-32 НА рақамли автомашинани кўрганман, — деди гуруҳга раҳбарлик қилаётган терговчи Зокиржон Раҳмонов, — Ле-

кин тўхтатишнинг иложи бўлмаганди. Ишни ўша машинани топишдан бошлаш керак.

ДАН бўлини маси инспекторлари зудлик билан ишга киришиб кетдилар.

Тумандаги мавжуд транспорт воситалари ҳужжатлари кўтарилди ва ниҳоят, юқорида айтилган рақамли машинанинг кимга қарашли эканлигини аниқладилар. Бу машина кечки пайт ушланди. «Кўкрагида ёли бор» одам кеча тунда ўзлари амалга оширган ўғирликни ипидан-игнасиғача гапириб берди. Ўлкалар яширилган манзилни ҳам айтди.

Орадан кўп ўтмай учта тугунни олиб кетиш ниятида келган Зокир Набиев, Баҳодир Йўлчиевлар гувоҳлар иштирокида қўлга олинди. Улар бировнинг 2564 сумлик мол-мулкни ўғирлаганларига тўла иқдор бўлишди. Текин луқмага қараб тамшанган икки ҳамтовоққа нисбатан ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Пешона тери эвазига топан буюмларини қайтариб олган Маҳмуда Хўжамова ИИБ ҳодимлари — З. Раҳмонов, А. Назаров, А. Юсупов, А. Болтабоевларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

О. МАҲАМАДАЛИЕВ,
Уйчи тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ПРОКУРАТУРАСИ ВА
ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИДА

НОРАСМИЙЛАРГА ҚУРОЛ НИМА УЧУН КЕРАК?

Самарқанд шаҳрининг Сиёб районидаги «Қўшқовуз» маҳалла чойхонаси биноларидан бирини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган норасмий ташкилот аъзолари — бир неча фуқаро кеча у ердан чиқариб юборилди. Бу гуруҳ раҳбари — 44 ёшли Уктам Бекмуҳамедов илгари раҳбарлик лавозимларида ишлаган ва охириги иш жойи — Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд филиалидан ишга келмай қўгани учун бўшатишган. Бу шахслар ўз нафсониятларини қондириш ва жамоатчилик эътиборини тортиш учун очлик эълон қилдилар.

Очлик эълон қилувчиларга шаҳар активининг уларни ноқонуний эгалланган бинодан чиқариш тўғрисидаги талабларини тушунтириш мақсадида халқ депутатлари Сиёб район Кенгаши раиси ўртоқ Ф. Ҳошимов, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳамда «Қўшқовуз» маҳалла кўмитаси томонидан рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Ана шу иш жараёнида очлик эълон қилишда қатнашаётганлардан бири Бекмуҳамедов ўзини жуда ёмон тутди, безорилик ҳаракатлари қилиб, икки нафар милиция ҳодимини ҳақоратлади ва уларга тан жароҳатлари етказди.

Ушланганлардан бири Багдасаряннинг ёнидан «Макаров» тўппончаси, 17 дона ўқ ҳамда турли кишилар номига ёзилган иккита паспорт топилиди. Ушланган бу шахс Тоғли Қорабоғда туғилган бўлиб, унинг қаерда ишлаши ва турар жойининг тайини йўқ. Мазкур шахснинг Самарқандга келишдан мақсади ва маҳаллий норасмий гуруҳлар билан алоқалари аниқланмоқда. Ушланганлардан учинчиси — Ҳикматовнинг чўнтагидан «Макаров» тўппончасига тушадиган уч дона ўқ топилиди.

Милиция ҳодимларига қаршилик кўрсатиш, хизмат ва-зифасини ўтаб турганда уларни ҳақоратлаш, ўқ отувчи қурол ҳамда ўқларни ноқонуний равишда сақлаш фактлари юзасидан прокуратура томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

«СИЗЛАРГА ТАШАККУР!»

Хурматли муҳаррират! Мен 10 май кун Алишер Навоий номи истироҳат боғига болаларим билан билан биргаликда дам олгани бордим. Ўғлимнинг сув ёқасига бориб қолганини пайқамай қолибман. Уни сувда оқиб кетаяётганини кўриб, жон ҳолатда ёрдам сўраб бақира бошладим. Бир йигит ўғлимни қутқариб, олиб чиқиб берди. Кейин билсам, шу борада хизмат бурчини ўтаётган участка инспектори милиция лейтенанти Турғун Жабборов экан. Мен рўзиномангиз орқали унга ва уни тарбиялаган ота-онаси, раҳбарларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Н. РАҲМАТОВА,
Тошкент шаҳар, Фрунзе тумани, Бошлиқ даҳаси, 2-уй, 11-хонадон.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —

(«НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР